

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ШОЛИЧИЛИК СОВХОЗЛАРИНИНГ ТАШКИЛЛАШТИРИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (НУКУС ТУМАНИ МИСОЛИДА)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17941258>

Наубетов Айтбай темирбаевич

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти таянч докторанти,
Нукус шаҳри*

Аннотация

Мазкур мақолада Қорақалпоғистонда шолічилик тармоғининг шаклланиши, янги шолічилик совхозларининг ташкил этилиши ва уларнинг иктисодий ҳамда ижтимоий ривожланишдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Тадқиқотда архив материаллари, маҳаллий матбуот манбалари ва илмий адабиётлар асосида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган шолічилик сиёсати ва унинг ҳудудий самарадорлиги қориб чиқилган. Асосий эътибор 1960–1980-йилларда шолічилик совхозларининг тузилиши, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва кейинчалик мустақиллик йилларида бу соҳадаги ўзгаришларни очиқ беришга қаратилган.

Калит сўзлар

Қорақалпоғистон, Нукус тумани, Шортанбой, шолічилик, совхоз, қишлоқ хўжалиги, ирригация, мелиорация, иктисодий ривожланиш.

Аннотация

В данной статье анализируется формирование рисоводческой отрасли в Каракалпакстане, создание новых рисоводческих совхозов и их значение в экономическом и социальном развитии. В исследовании на основе архивных материалов, источников местной прессы и научной литературы рассмотрена политика рисоводства, проводимая в Республике Каракалпакстан, и ее региональная эффективность. Основное внимание уделено раскрытию структуры рисоводческих совхозов в 1960-1980-х годах, эффективности работ, проведенных в сотрудничестве с научно-исследовательскими учреждениями, и последующих изменений в этой сфере в годы независимости.

Ключевые слова

Каракалпакстан, Нукусский район, Шортанбай, рисоводство, совхоз, сельское хозяйство, ирригация, мелиорация, экономическое развитие.

Abstract

This article analyzes the formation of the rice industry in Karakalpakstan, the creation of new rice-growing state farms, and their significance in economic and social development. The research, based on archival materials, local press sources, and scientific literature, examines the rice-growing policy pursued in the Republic of Karakalpakstan and its regional effectiveness. The main focus is on revealing the structure of rice-growing state farms in the 1960s-1980s, the effectiveness of work carried out in cooperation with research institutions, and subsequent changes in this area during the years of independence.

Keywords

Karakalpakstan, Nukus district, Shortanbay, rice farming, state farm, agriculture, irrigation, land reclamation, economic development.

Кириш. Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иқтисодий шароити ва Амударё дельтасидаги сув ресурслари шолчилик учун қулай бўлган ҳудуд сифатида ажралиб туради. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ҳудудда шолчилик тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Шолчилик соҳаси нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмасини яратишда муҳим рол ўйнади. Шу сабабли Нукус туманида янги шолчилик совхозларини ташкил этиш 1960–1980-йиллардаги асосий давлат дастурларидан бирига айланди. Давлат сиёсати асосида янги шолчилик совхозлари ташкил этилди, илмий ва амалий тажрибалар йўлга қўйилди, ҳосилдорликни ошириш мақсадида янги навлар синаб кўрилди [1].

1-бўлим. Қорақалпоғистонда шолчилик тармоғининг вужудга келиши**

1940–1950-йилларда Амударё дельтаси ҳудудларида шолчилик асосан аҳолининг эҳтиёжи учун кичик хўжаликлар доирасида амалга оширилган. 1950–1960-йилларда СССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва ирригация тизимини кенгайтириш” дастури доирасида Қорақалпоғистонда шолчиликни йирик миқёсда ривожлантириш бошланган.

1960-йилга келиб қишлоқ хўжалигининг янги юналиши ҳисобланган ихтисослаштирилган шолчилик совхозлар тузила бошлади ва шолчининг екин майдони ҳажми бирданига копайди. Шоли майдонлари 1961- йилда 1,9 минг гектар болса, 1970-йилга келиб 20,9 минг гектарга ортти. Шундай қилиб

шолчилик қишлоқ хўжалигининг пахтачиликдан кейинги иккинчи оринни егаллаган йирик юналишлардан бири болди. [2,245]

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистонда шолчилик учун янги ер очиш асосан 1962 йилдан бошланиб, 1965 йилга келиб 7,5 минг гектар кўрик ерга шол экилди ва бунинг учун 444 километр ирригация тармоқлари барпо этилди. Бу йиллари 9 та махсус шолчилик хўжаликлари ташкил этилиб, шолчилик учун янги ерларнинг кўпчилиги ўрмонзорлар ҳисобига очилди [3,297].

Собиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон автоном республикасида режали равишда шол экиш мақсадида Қорақалпоғистоннинг шимолий зонасидаги кўрик ерларда шоликорлик совхозларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини қабул қилди. Ушбу қарор асосида Республикада ихтисослаштирилган шоликорлик совхозлари ташкил этила бошланди. Энг биринчи навбатда Қонликўл районидаги (собиқ Ленинобод райони) "XXII партсезд," "Олтинкўл," Чимбой районидаги "Май жап" совхозлари ташкил этилиб, улар 1962 йилдан бошлаб шол эка бошлади.

Орадан 3 йил ўтгандан кейин Қорақалпоғистон республикасида яна 5 та ихтисослаштирилган шоликорлик совхози тузилди. Хусусан, Қўнғирот туманидаги "Чапаев" номидаги, Нукус туманидаги "ВЛКСМнинг 45 йиллиги," Чимбой туманидаги "Октябрь," Қораўзак туманидаги "Маданият" янгидан очилиб, кўрик ерлар ҳисобидан ташкил этилди. [4]

Хусусан, Нукус туманидаги янги совхозлар – "ВЛКСМнинг 50 йиллиги" (ҳозирда Қырантау ҚФЙ), "Россия" (ҳозирда Кердер ҚФЙ) каби хўжаликлар ташкил этилди. 1960-йиллар бошидан бошлаб туманда шолчилик учун мўлжалланган ер майдонларини кенгайтириш сиёсати амалга оширилди. Бу жараёнда асосий эътибор суғориш каналларини қуриш ва насос станцияларини ишга туширишга қаратилди. Амударёдан чиқадиган "Қаттағар", "Бозатау", "Дослық"(ески Қызкетен) ва Рисывый каналлари орқали катта ер майдонлари ўзлаштирилди.

2-бўлим. Янги шолчилик совхозларининг ташкиллаштирилиши жараёни**

1960–1980-йиллар шолчиликнинг институционал шаклланиш даври бўлди. 1964 йилнинг бошларида мамлакатимизда шоликорликни ривожлантириш бўйича янгидан шоликорлик совхозини ташкил этиш ҳақидаги хабар тез орада туманнинг барча ерларига ёйилди. 1964 йили 10-15 хонадон асосида тузилган хўжалик, боғ-бўстон аҳоли масканига айланди.

Хўжалик Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг 1963 йил 12 ноябрдаги 639-қарорига асосан, "ВЛКСМнинг 45 йиллиги" номи билан Кегейли тумани ҳудудида ташкил этилди. Унга тумандаги "Жданов," "Эркин дарё," "Энгелс" номидаги совхозлардан, 4-5-сонли ўрмон хўжалигидан жами 10975 га ер ажратиб берилди.

1968 йили совхознинг номи "ВЛКСМнинг 50 йиллиги" деб ўзгартирилди. Ва, 1994 йили 27 апрелдаги совхознинг умумий йиғилишида "Шўртанбой" деҳқон фермер хўжалиги бўлиб қайта ташкил этилди.

Хўжалик 1964 йили 1165 гектар ерга экин эккан бўлса, 1965 йили 4428 гектар ерга экин экди. Шолидан олинадиган ҳосил, 50 центнердан ошди.

1991 йилдан бошлаб буғдой экиш ишлаб чиқаришга қўшилди. 1995 йилда 13410 тонна шоли, 1876 тонна буғдой, 36 тонна картошка, 100 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди. [5,107]

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1971 йил 19 ноябрдаги 1831-сонли қарори, Ўзбекистон Компартияси Обкоми ва Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашининг 1976 йил 23 январдаги 11-сонли қарори билан "ВЛКСМнинг 50 йиллиги" номидаги совхози, ҳозирги Нукус тумани Қирантаў ОФЙ "Шўртанбой" болимига кўчирилди.[6]. У янги шоли навларини ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнади. Институт олимлари томонидан маҳаллий иқлимга мос, тезпишар ва юқори ҳосилли "Гулзор", "Нукус-2," "Нукус-70," "Жайхун," "Санам" каби навлари навлар яратилди.

Давлатнинг қишлоқ хўжалигидаги сиёсатига мувофиқ, Қорақалпоғистондаги шолчилик совхозлари илмий-техник ва моддий ёрдам билан таъминланди. 1970-йилларда совхозларда трактор паркилар сони икки баробарга кўпайди, янги ирригация қурилмалари ўрнатилди [7].

Совхозлар фаолиятида меҳнат тақсимооти ва ихтисослашув тизими жорий этилди: шолчилик билан боғлиқ агротехника ишлари йиллик режа асосида амалга оширилиб, давлат хўжаликларининг умумий ҳосил режасига киритилди.

3-бўлим. Шолчилик совхозларининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти**

Шолчилик совхозлари фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этди. Уларнинг фаолияти натижасида минглаб иш ўринлари яратилди, маҳаллий аҳолининг турмуши яхшиланди. 1980-йилларга келиб, Қорақалпоғистонда шоли экиладиган ер майдони 40 минг гектарга яқинлашди, умумий ҳосил миқдори 150 минг тоннадан ошиб кетди. Механизация ва ирригация тизимларининг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини кўпайтирди. [8].

Янги шолчилик совхозлари Нукус тумани иқтисодиётининг асосий тармоғига айланди. Совхоз посёлкаларида мактаблар, тиббиёт пунктлари, маданият уйлари, ҳаммомлар ва турли ижтимоий муассасалар қурилиши натижасида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ошди.

Совхозлар ташкил этилган дастлабки йилларда ерларнинг шўрланиши, сув тақчиллиги ва мелиорация тизимларининг самарасизлиги каби муаммолар кузатилди. Амударё сувининг тежамсиз сарфланиши кейинчалик Орол денгизи экотизимиغا салбий таъсир кўрсатди. Бу омиллар 1980-йиллар охирига келиб шолчилик ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларидан сўнг шолчилик соҳаси бозор муносабатларига мос равишда қайта ташкил этилди. Бир қатор собиқ совхозлар фермер хўжаликларига айлантирилди, лекин Шортанбой институтининг илмий-тадқиқот фаолияти ҳозиргача сақланиб қолди. У ҳозир ҳам минтақадаги шолчиликнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда етакчи марказ ҳисобланади.

Хулоса. Қорақалпоғистонда шолчилик совхозларининг ташкил этилиши ва ривожланиши мамлакат қишлоқ хўжалиги сиёсатининг ажралмас қисми бўлган. Бу жараёнда илмий муассасаларнинг, хусусан Нукус туманидаги Ўзбекистон шол илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали олимлари ҳиссаси катта бўлиб, улар маҳаллий иқлим шароитига мос навларни яратиш орқали ҳосилдорликни оширишга ҳисса қўшган. Совхозлар тизими иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлган.

Бироқ сув ресурсларининг чекланганлиги, ерларнинг шўрланиши ва марказлашган бошқарув тизимининг самарасизлиги шолчиликнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилди. Шу сабабли бугунги кунда туман шолчилик тизимида сув тежамкор технологияларни жорий этиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, ф. 254, р.1, х. 25.
2. Қарақалпақстан тарийхы. Нөкис, Қарақалпақстан, 2010-жыл. 273 бет.
3. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан, 2003-жыл. 556 бет.
4. «Партийная жизнь» журналы, 1987-жыл 3-санындағы Қ.Қамаловтың «Қарақалпақстанның салы атызы» деген мақаласынан.
5. Камалов К. Ел хызметинде. Нөкис, Қарақалпақстан, 1995, 107-бет

6.Temirxanov B. QARAQALPAQSTANDA AGRARLIQ ILIMLER
TARIYXINAN, EUROASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 30th
June 2024. 74-78-b

7.Садыков А. Развитие рисоводства в низовьях Амударьи.Ташкент:Фан,
1978.

8. “Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги статистикаси”, 1989.